Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 5 (4721).

6 ЯНВАРЬ ШАНБА 1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ВАТАНИМИЗДАГИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИ ШУКИ, УЛАР МУЛЖАЛЛАБ ҚУЙГАН ПЛАНЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ҲОРМАЙ-ТОЛМАЙ КУРАШИШЛАРИ, УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ АКТИВ ҚАТНАШЧИЛАРИ САФИДА БЎЛИШЛАРИ КЕРАК. ЯНГИ, 1973 ЙИЛ ХЎЖАЛИК ВА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШНИНГ ҲАММА СОҲАЛАРИДА ЗАРБДОР ИШЛАШ ЙИЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидаги барча миллат меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатидан).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXIV съездининг қарорларини изчиллик билан амалга оширмоқда, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун фидокорона курашмоқда.

1972 йил — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланган йилда умумий сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсди.

Кўп миллатли совет халқининг коммунистик қурилишдаги қаҳрамонона меҳнати якунлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу тарихий санага бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида чуқур ва ҳар томонлама кўрсатиб берилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми маъқуллаган ва СССР Олий Совети сессияси тасдиқлаган халқ хўжалик планига мувофиқ, беш йилликнинг учинчи йилида барча тармоқлар, меҳнат коллективлари ва ҳар бир меҳнаткаш олдига янги масъулиятли вазифалар қўйилади. Беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши шу йилда қилинадиган ишларнинг натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. **Бу эса 1973 йилни тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилига айлантиради.**

Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати меҳнаткашларнинг ташаббусини ривожлантириш, ишлаб чиқариш резерларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишнинг, халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажаришнинг ҳамишаги таъсирчан воситаси бўлиб келди ва шундай восита бўлиб қолаверади.

Кўпгина илғор ишчилар, бригада, участка, цех, корхона ва қурилишларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Совет халқига, ССР Иттифоқидаги барча миллат меҳнаткашларига» мурожаатига жавобан, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олмоқдалар ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларини 1973 йилни юксак даражадаги унумли зардоб меҳнат билан нишонлашга даъват этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети илғор ишчилар ва меҳнат коллективларининг 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириш соҳасидаги ташаббусини маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, қарор қиладилар:

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область шаҳар, район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область шаҳар ва район советлари ижроия комитетлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ходимларнинг 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш йўлидаги бутуниттифоқ социалистик мусобақасини кенг ривожлантириш соҳасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишни авж олдириб юборишлари лозим.

Корхоналарнинг ўзида ҳам, тармоқлар миқёсида ҳам ишчилар, бригадалар, участкалар ва цехлар ўртасида, шунингдек бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бир-бирига яқин бўлган корхоналар ҳамда ташкилотлар ўртасида социалистик мусобақани янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилсин.

Барча корхоналар ва қурилишларнинг белгиланган халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун тармоқлар, областлар, ўлкалар ва республикалар социалистик мусобақасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

1973 йилда социалистик мусобақа куч ва маблағларни **кам сарфлаган ҳолда кўпроқ, яхши сифатли маҳсулот тайёрлаб бериш** шиори остида ўтказилиши лозим.

Мусобақадошларнинг бутун куч-ғайрати экономикани ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили бўлган меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз оширишга, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга, ишлаб турган машина-ускуналардан тўлароқ фойдаланишга, хомашё, материал, электр энергия, ёқилғини бутун чоралар билан тежашга ва шу йўл билан пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришга, белгиланган номенклатура ва ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш юзасидан берилган топшириқларни сўзсиз бажаришга, қишлоқ хўжалиги заказларини муддатидан илгари бажаришга, фан ва техника ютуқларини жорий қилишга, маҳсулотнинг сифатини яхшилашга, қурилиш муддатларини қисқартиришга, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга тушириб, ўзлаштиришга, маҳсулотнинг таннархини камайтиришга, барча соҳалардаги корхоналарда ҳалқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга сафарбар қилиниши лозим.

Ана шу энг муҳим вазифаларни ҳал этишда корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг асосий эътибори қуйидагиларга қаратилиши зарур:

Энергетикада — саноатни, транспортни, қишлоқ хўжалигини ва ахолининг маиший эҳтиёжларини электр энергия билан узлуксиз таъминлаб туриш, иссиқлик электр станцияларида ёқилғи сифатини планда белгиланганидан ортиқ қисқартириш, ўз эҳтиёжлари учун электр энергия сарфлашни ва электр линияларида нобудгарчиликни камайтириш, энергетика установкаларининг қийматларида белгиланган параметрларига тез эришиш;

Ёқилғи саноатида — ёқилғининг ҳамма турларини қазиб чиқариш усулларини тобора такомиллаштириш, кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни кенг кўламда механизациялаштириш ва автоматлаштириш, кон қазиш ва кон-қудуқларни пармалашни кўпроқ жадаллаштириш, ёқилғини конлардан чиқариб олишда унинг нобуд бўлишини камайтириш, шахталар қуриш, нефть ва газ қувурларини ётқизиш муддатларини қисқартириш, промисловларни обод қилиш;

Металлургияда — прокат ва трубаларнинг тежамли турлари ҳамда профилларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, энг кам нуқсонли металл прокат чиқариш, металл маҳсулотининг сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш, технология жараёнларини интенсивлаштириш ва металлургия агрегатларидан фойдаланишнинг салмоқ кўрсаткичларини яхшилаш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, металл ва материаллар сарфини бутун чоралар билан қисқартириш, кора ва рангли металлар ишлаб чиқаришда руда хом ашёсидан тўла ва комплекс фойдаланиш, истеъмолчиларнинг заказлари бўйича металл маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш;

машинасозликда — машина ва ускуналар, приборлар ва автоматлаштириш воситаларининг янги ва ғоят унумли ишлайдиган турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг техникавий даражаси ва эксплуатацион пухталигини ошириш, металлни тежаб сарфлаш ва уни истеъмол қилиш нормаларини камайтириш, прогрессив технология жараёнларини жорий қилишни тезлаштириш, корхоналарнинг бир неча сменада ишлашини таъминлаш ва станоклардан фойдаланиш коэффициентини ошириш;

химия ва нефть — химия саноатида — технология жараёнларини интенсивлаштириш, химиявий маҳсулотларнинг прогрессив турларини, концентрлашган ва мураккаб минерал ўғитларни, ўсимликларни химоя қилишнинг ғоят самарали воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачилик учун микробиологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, каустик сода, химиявий тола ва пластмасса ишлаб чиқараётган корхоналарни, нефтни қайта ишловчи установкаларни техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш, аммиак, олтингугурт ва азот кислотаси, мотор ёқилғиси ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш учун йирик тоннажли агрегатларнинг лойиҳаларида кўрсатилган кўрсаткичларига тезроқ эришиш;

ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатида — ҳар бир шатакчи трактор ва ёғоч ташувчи автомобилнинг иш унумини ошириш, ёғочдан рационал фойдаланиш, илғор технология жараёнларини жорий қилиш, ишлаб турган қоғоз ясовчи машиналар ва пиширш агрегатларини модернизация қилишни жадаллаштириш, целлюлоза, ёғоч плиталар, картон, қоғоз ва мебель ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида — саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган ассортиментда, аҳолининг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш, уларнинг сифатини ва истеъмол қилиш хусусиятларини ошириш, хом ашё ва материаллардан рационал фойдаланиш, янги технология жараёнларини жорий қилиш, ҳар бир станок, машина агрегатда, ҳар бир поток линияда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат сарфини қамайтириш;

қурилишда-қурилиш муддатларини қисқартириш ва янги ишлаб чиқариш қувватлари, маданий-маиший объектлар ва уй-жойларни ўз вақтида фойдаланишга топириш, тугалланмаган қурилишлар ҳажмини қисқартириш ва ресурсларни ишга тушириладиган объектларга сарфлаш.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш ва уларнинг таннархини камайтириш, машина ва механизмлардан тўлароқ фойдаланиш, бинокорлик материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тежаш;

транспорт ва алоқа соҳасида — юкларни етказиб беришни тезлаштириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, вагонларнинг юксиз қатновини, локомотивлар, вагонлар, автомобиллар ва кемаларнинг бекор туришини қисқартириш, юк ортиш—бўшатиш ишларини комплекс механизациялаштиришни кенгайтириш, контейнер ва пакетларда ташиш усулини жорий қилиш, юкларни ташиш вақтида нобудгарчиликка барҳам бериш, юк ташиш таннархини камайтириш, алоқа, телевидение ва радио эшиттириш ҳамма турларининг халқ хўжалигига ҳамда аҳолига кўрсатадиган хизматини яхшилаш;

илмий тадқиқот ва лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотларида — самарали илмий ишларни ва прогрессив лойиҳаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш; вужудга келтириладиган машиналар, ускуналар, қуриладиган бинолар ва иншоотларга материал сарфини камайтириш, хом ашё ва материалларнинг тежамли турларини саноат ишлаб чиқариши ва қурилишда кенгроқ қўлланиш;

Таъминот ва маҳсулот сотувчи ташкилотларда — корхоналар ва қурилишларни материал-техника билан таъминлашни яхшилаш, моддий ресурслардан фойдаланиш устидан контролни кучайтириш, нормативдан ортиқ хом ашё запаслари, материаллар ва ускуналарни хўжалик оборотига жалб этиш учун халқ хўжалигидаги мавжуд резерврларни қидириб топиш;

Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳасида — товар оборотн планини ва аҳолига маиший хизмат қилиш ҳажмини муваффақиятли бажариш, прогрессив иш методларини кенг жорий қилиш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятли бўлишини таъминлаш, товарларни сақлаш ва реализация қилиш вақтида нобудгарчиликни қисқартириш — савдо-сотиқ ва аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарни замонавий техника ҳамда ускуналар билан таъминлаш.

СССР министрликлари ва идоралари Касаба союзлари Марказий Комитетлари билан биргаликда 1973 йилги халқ хўжалик планида тармоқлар учун белгиланган асосий йўналишлар ва конкрет вазифаларга мувофиқ социалистик мусобақанинг амалдаги шартларига зарур ўзгартишлар киритсинлар.

Саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигидаги бошқа тармоқлар ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг коллективларини мукофотлаш мақсадида 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажарганлик учун КПСС Марказий Комитетининг 700 та Қизил байроғи, дипломлари ва 180 минг сўмгача бўлган миқдорда пул мукофотлари ва дипломлар таъсис этилсин. Тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарилган тақдирда, мукофот миқдори 25 процентгача кўпайтирилади.

СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи Давлат Комитетига ВЦСПС билан биргаликда мазкур Қизил байроқларни ишчилар ва хизматчиларнинг миқдорини эътиборга олиб министрликлар (идоралар) ўртасида тақсимлаш топширилсин.

Барча корхоналар ва қурилишларнинг халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажаришлари учун социалистик мусобақада ғолиб чиққан СССР ишлаб чиқариш министрликлари (идоралари)ни, ўлка, область ва республикаларни мукофотлаш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 62 та Қизил байроғи, шу жумладан СССР министрликлари (идоралари) учун 10 та, иттифоқдош республикалар учун 7 та ва автоном республикалар, ўлка ҳамда областлар учун 45 та Қизил байроқ таъсис этилсин.

Тармоқдаги корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар ўртасида социалистик мусобақа якунларини ҳар кварталда тўплаб бориш юзасидан амалдаги тартиб сақлаб қолинсин, бу мусобақада ғолиб чиққанларга министрликлар (идоралар) ва Касаба союзлари Марказий Комитетларининг 1890 та кўчма Қизил байроғи ва 150 минг сўмгача бўлган миқдорда пул мукофотлари берилсин. Ҳисобот берилаётган квартал якунларини тўплаган вақтда йил бошидан буён ўтган даврда қилинган иш натижалари ҳисобга олинсин.

Ҳар бир тармоқ социалистик мусобақасида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришган энг яхши ишчилари ва бригада аъзоларини мукофотлаш учун Бутуниттифоқ миқёсида бир хил бўлган «1973 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишони таъсис этилсин. Бу нишон тегишли министрлик (идора) ва Касаба союз Марказий Комитетининг қарори билан берилади. ВЦСПСга нишонинг нусхасини ва нишон тўғрисидаги низомни тасдиқлаш топширилсин.

Социалистик мусобақа ғолибларини кенг кўламда рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш министрликларида корхона ва ташкилот ходимларига мукофот тўлаш учун СССР Министрлар Советининг 1953 йил 11 апрелдаги 1002-сонли қарорида кўзда тутилган маблағларнинг миқдори иш ҳақи умумий фондининг 0,05 процентидан 0,1 процентигача кўпайтирилсин.

ВЦСПСнинг 1973 йилги социалистик мусобақа якунларига қараб энг яхши ишчиларни ва бригадаларнинг коллективларини рағбатлантириш учун давлат социал страхованиеси маблағлари ҳисобига Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет мамлакатларга саёхат қилиш учун 50 мингта имтиёзли туристик путевка ажратиб бериш тўғрисидаги таклифи кабул қилинсин.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақада энг юксак кўрсаткичларга эришган комсомол-ёшлар коллективларини мукофотлаш мақсадида 8 мингта вимпел таъсис этиш ва энг яхши ишчи ёшларни рағбатлантириш учун 10 мингта имтиёзли туристик путевка ажратиб бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, СССР министрликлари ва идоралари касаба союз ва комсомол органлари билан биргаликда 1973 йилда энг юксак натижаларга эришган ва планларни тўла ҳамда ошириб бажаришда шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатган ишлаб чиқариш илғорларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлашга тақдим этишлари лозим.

Министрликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчиларнинг ва бригада, участка ҳамда цех коллективларининг олинган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришни таъминлашлари керак.

Социалистик мусобақани ташкил этишда ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибани кенг жорий қилишга, мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам суратда текшириш ва уларнинг якунларини тўплашга, мусобақа натижаларини таққослаб кўриб, ҳаммани улардан хабардор қилишга алоҳида эътибор берилсин.

Марказий ва маҳаллий газеталар ҳамда журналларнинг, радиоэшиттириш ва телевидение редакциялари, СССР Министрлар Советининг кинематография Давлат Комитети умумхалқ социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритишлари, энг юксак миқдор ва сифат кўрсаткичларига эришган ишчиларнинг, бригада, участка, цех, корхона ва қурилишлар коллективларининг тажрибасини системали равишда умумлаштириб кўрсатишлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг иш усуллари ва методларини чуқур кўрсатиб беришлари, чинакам меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида ёрқин ва мароқли ҳикоя қилиб беришлари керак.

Мусобақанинг боришидан ҳаммани яхшироқ хабардор қилмоқ учун «Правда» ва «Известия» газеталарида етакчи оммавий касблардаги ишчилар, бригада, цех ва корхоналар социалистик мусобақасининг борищи ва натижаларини кўрсатиш мақсадида махсус саҳифалар бағишлансин. «Социалистик индустрия», «Советская Россия», «Сельская жизнь» ва «Труд» газеталари редакцияларига шу мақсадда ҳар ойда бир марта махсус илова чиқариш учун рухсат берилсин.

СССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетига министрликлар, идоралар ва Касаба союзлари Марказий Комитетларининг заказларига мувофиқ социалистик мусобақа ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати масалаларига доир плакатларни ҳамда кўргазмали агитацияларнинг бошқа воситаларини кўп нусхада нашр этиш вазифаси топширилсин.

Саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ходимларининг 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан, меҳнатда энг юксак кўрсаткичларга эришган ва илгор тажрибани жорий этиш ва пропаганда қилишга катта ҳисса қўшган ишлаб чиқариш илғорларининг слёти 1974 йиднинг бошларида Кремлдаги Съездлар саройида ўтказилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишчилар, инженерлар, техниклар—саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги барча ходимлар умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бўлган 1973 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантирадилар, ўзларининг бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини куч ва маблағларни камрок сарф қилиб, мамлакатга кўпроқ ва яхши сифатли маҳсулот бериш учун сафарбар қиладилар ва бу билан мамлакатимизнинг экономикасини янада кучли суратда ривожлантириш, совет халқининг фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш юзасидан партия белгилаб берган программани амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетида марказий газета, журналлар, телевидение, радио ва информация агентликлари раҳбарларининг кенгаши бўлди. Бу кенгаш КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларга бағишланди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. П. Кириленко нутқ сўзлади.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаси —1973 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ мусобақасини уюштириш билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни системали равишда ёритиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан, диққат-эътиборни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, қаттиқ тежамкорликни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун кураш, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга тушириш ва ўзлаштириш, халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, меҳнат интизоми ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш каби вазифаларга қаратилиши лозим.

Кенгашда мусобақа оммаснинг жонли ижоди эканлиги учтириб ўтилди. Шу сабабли матбуот, телевидение ва радио органлари илгор бригадалар, участкалар, коллективларнинг, ишлаб чиқариш новаторларининг энг яхши тажрибаларини чуқур ва ёрқин кўрсатиб беришлари, меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ташаббусини актив қўллаб-қувватлашлари, расмиятчилик ва бюрократизм каби ҳолларга қарши қатъий кураш олиб боришлари, бу ишдаги камчиликларни очиб ташлашлари, олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида мунтазам ахборот бериб туришлари, мусобақани ташкил этиш ва унинг якунларидан хамманинг хабардор бўлишига эришишлари лозим.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ электр техника заводи маҳсулоти фақат мамлакатимизда эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. 6-цехнинг ишлаб чиқариш илғорлари А. Бандурина ва А. Кравцов ўртоқлар ҳам корхона шуҳратининг ошишида муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Суратда: корхона илғорлари шчит мосламаларини монтаж қилишмоқда. Н. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН. фотоси.

ВАТАНПАРВАР, ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Кеча республика «Билимлар» уйида «Ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш—совет мактабининг фахрли вазифасидир» деган тема юзасидан илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари — халқ маорифи ходимлари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари «50 йил мобайнида халқ маорифи эришган муваффақиятлар» темасида очилган кўргазмани томоша қилдилар. Бу кўргазмани Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов очди.

Кўргазма экспозицияси ўтган ярим аср мобайнида пойтахт областининг халқ маорифи эришган ютуқларни ёрқин акс эттиради. Кўргазмага турли хил материаллар, фотосуратлар, ҳужжатлар қўйилган бўлиб, улар ўқувчиларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, йигит ва қизларнинг касб танлашига тайёргарлик ҳақида ҳикоя қилади. Стендларга ёшларнинг энг яхши устозлари — педагоглар расми қўйилган.

Конференцияни Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. А. Раҳматхўжаева очди.

Тошкент область халқ маорифи бўлимининг мудири М. Н. Нишонов ва Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими, педагогика фанлари кандидати А. Юсупов ўртоқларнинг докладлари тингланди. Шундан сўнг ўзаро иш тажрибалари ўртоқлашилди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов иштирок этди.

БУРЧГА САДОҚАТ

Партия турмуши

«Москва» колхози коммунистлари ўз ваъдаларига содиқ қолиб юбилей йилини сабзавотчилик ва чорвачиликда улкан марраларни эгаллаш билан якунламоқдалар. КПСС аъзоларидан Пирмат Нурматов ва Рашид Раймов ўртоқлар бошчилик қилган бригадалар аъзолари колхознинг 2705 тонналик юбилей хирмонига баракали ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларда эрташпар дербент навли карамнинг ҳар гектаридан 23—28 тоннадан ҳосил кўтарилди. Савзидан ҳам мўлжалдагидан кўп ҳосил йиғиб олинмоқда. Колхозда пландаги 50 тонна ўрнига 64 тонна қулпнай, 20 тонна ўрнига 41 тонна мева, 50 тонна ўрнига 94 тонна узум тайёрланиб эл дастурхонига етказиб берилди.

Юбилей йили бошиданоқ колхоз аъзолари алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилабошлаган эдилар. Ўша келарда ўтказилган колхоз умумий партия йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг «СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарори муҳокама қилинди, йиғилишда партия ташкилоти ҳисобидаги 75 коммунистнинг қариб ҳаммаси иштирок этди. Муҳокама қилинаётган масала юзасидан чорвачилик фермаси цех партия ташкилотининг секретари Тўлабой Мўминов, колхоз бош агрономи Анвар Усмонов, 3-далачилик бригадаси бошлиғи Пирмат Нурматов ўртоқлар сўзга чиқишиб, КПСС Марказий Комитетининг бу муҳим қарорини колхозчилар онгига етказиш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат кўтаринкилигини янада ошириш зарурлигини айтдилар. Йиғилиш қабул қилган қарорни бажаришга барча мутахассис кадрлар ҳамда актив коммунист колхозчилар жалб қилинди. Оммавий-сиёсий ишлар советининг перспектив плани тузилиб, сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчиларга муҳим топшириқлар берилди.

Йил давомида партиявий топшириқни бажаришда коммунистлар ва партиясиз активларнинг фаолияти қатъий назорат қилиб турилди. Колхоз партия комитети мажлисларида айрим коммунистлар фаолияти муҳокама қилиниб, уларнинг ибратли ишлари бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилди. Камчиликларни йўқотиш тадбирлари кўрилди. Масалан, илғор бригада бошлиғи коммунист Сиддиқ Маҳмудовнинг ўз коллективида олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишлари колхоз партия комитети аъзоларига маъқул бўлди. Оммавий-сиёсий ишлар советининг раиси, партком аъзоси Иброҳим Аббосов сиёсий ахборотчи ва агитаторларни йиғиб, коммунист С. Маҳмудов тўплаган тажрибадан ҳикоя қилиб берди. Колхоз партия комитетининг аъзоси С. Алимова эса хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг авангардлик ролини оширишда цех партия ташкилотларига таянган ҳолда иш кўрмоқда. Карим Ниёзов секретарлик қилаётган 5-бригада цех партия ташкилоти, шунингдек Турғун Жамолов секретарь бўлган 1-бригада цех партия ташкилоти коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлигини ошириш билан бирга коммунистларнинг ўз устида ишлашлари, сиёсий-ғоявий савияларини ошириб боришларига ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Оддий коммунистлардан Ғани Абдуллаев, Бўри Норматов кабилар далада фидокорона меҳнат қилиб барчага намуна бўлмоқдалар. Айни пайтда улар жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар, агитаторлик қилишиб партия ва ҳукуматимиз қабул қилаётган қарорларнинг асосий мазмунини колхозчилар онгига етказишмоқда.

Ишлаб чиқариш илғорларидан сиёсий ахборотчилар, агитаторлар танлаш самарали натижалар бермоқда. Чунки, ишда намуна бўлган ўртоқларнинг халқ орасида олиб борадиган сиёсий-тарбиявий ишлари анча таъсирчан бўлаяпти.

Колхоз коммунистлари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, 12 гектар майдондаги токни бутаб, кўмиб қўйдилар, 17 гектар майдонга август пиёзи, 2 гектарга дербент карами, 1 гектарга савзи ва бир гектар майдонга саримсоқ пиёз экилди. Сифатли кўчатлар тайёрлашга пухта замин яратиш учун парник хўжалиги ишлари қизитиб юборилди.

Колхозда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор билан қараламоқда. Тўлабой Мўминов секретарлик қилаётган цех партия ташкилоти фермада жамоат чорвачилигини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни юксалтириш, моллар зотини яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Ҳозиргача 221 тонна сут ишлаб чиқарилди. Пландаги 90 ўрнига 98 бош бузоқ олинди. Чорва қишловига ҳам пухта тайёргарлик кўрилиб, озуқа базаси мустаҳкамланди. 1000 тонна силос, 850 тонна сенаж ва 250 тонна дагал хашак тайёрланди. Бу ишларни амалга оширишда коммунистлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

А. ҚУРБОНОВ,
Калинин район партия комитетининг инструктори.



МЕҲНАТ ЗАРБДОРЛАРИ

ЧИРЧИК электр химия комбинати коллективи Янги йилнинг дастлабки иш кунларини зўр меҳнат кўтаринкилиги билан бошлади. Айниқса, марказий ремонт цехи слесари (юқорида) М. Уринов ҳамда ҳаво тақсимлаш цехи аъзоси А. Абдуллаевлар юқори кўрсатгичга эришдилар. Уларнинг ҳар бири шу кунларда смена топшириқларини 130—140 процентга етказиб бажармоқдалар.

А. ТУРАЕВ фотолари.

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

Насия Абдуллина Тошкент асбобсозлик заводида ишлаётганига кўп йиллар бўлди. Бу давр ичида у ишчидан техника назорати бўлимининг бошлиги даражасигача кўтарилди. Насия корхонада комсомол ташкилотининг секретари, касаба союз комитетининг аъзоси, хотин-қизлар Советининг раиси, халқ контроли группасининг аъзоси ҳамдир. Икки йилдирки, завод коллективи катта ишонч билдириб, Насияни Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб кўрсатди.

— Депутат! Мен бу номнинг қанчалик шарафли, қанчалик масъулиятли эканлигини биламан,— деди Н. Абдуллина.— Бунинг учун депутат ўз бурчини тўла ҳис этиши ва шунга лойиқ иш тутиши керак.

Завод директори М. Бойжонов бошчилик қилаётган депутатлар группасида ҳар бир депутат ўз топширигига эга. Н. Абдуллинага заводда меҳнат қилаётган ёшларнинг иш шароити, ўқиши, турмуши ва дам олишини назорат қилиб бориш топширилган.

Ўтган йилнинг май ойи эди. Насияга бир неча цехларда ўсмирларнинг меҳнат шароити, ўқиши каби масалалар билан қизиқиб шу асосда маълумот тайёрлаш топширилди. У корхона ишчиси, шаҳар Советининг депутати Саодат Орифжонова билан олти цехни текширди, ҳар бир ўсмир билан батафсил суҳбатлашди, иш соатлари ёзиладиган табеллар билан танишди. Заводнинг айрим цехларида иш вақтида қатъий риоя қилмасдик ҳоллари содир бўлаётганлигини аниқлади. Шундан сўнг конкрет фактлар асосида доклад тайёрлаб, цех бошлиқлари, смена мастерлари йиғилишида сўзлади. Бу ижобий натижа берди.

Кузатишлар яна шуни кўрсатдики, баъзи етакчи ходимлар меҳнат қонунчилигини пухта билмайдилар. Бу ҳол ҳисобга олиниб, цехларда меҳнат қонунчилигига оид лекция ва суҳбатлар ташкил этилди. Суҳбатларда корхона ҳаётидан олинган мисоллардан фойдаланилди. Фрезер цехининг ишчиси Валерийни цех бошлиғи мунтазам равишда иккинчи сменда ишлатган. Натижада у бир неча йиллардан бери спорт тўгарагига иштирок этолмай қолган. Насия Абдуллина Валерийга бу борада ёрдам берди. Меҳнат интизомини бузган цех бошлиғи жиддий огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, Насия кўплаб оилаларнинг ҳовли тўйлари ўтказишларида, ўнлаб кичкинтойларнинг боғча ва ясли-ларга қадам босишларида, неча-неча пенсионерлар илтимосларининг бажо келтирилишида депутат сифатида катта ҳисса қўшди.

Насиянинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги ишлари ҳам ибратлидир. У корхона ветеранлари билан ёш ишчилар учрашувларини уюштиришда ташаббус кўрсатаётир. Кечаларда кекса ишчилар вояга етган ёш ишчиларга меҳнат гувоҳнамасини топширадилар. Ўз навбатида ёшлар эса бир станокда ўн беш йил давомида ишлаган ветеранларга ҳурмат ва эҳтиром ёрлиғини ҳадя этадилар.

Насия ўз бурчини ана шундай ҳис этган ҳолда халқ ишончини оқлашга интилаётган депутатлардан биридир.

С. ҲАСАНОВ.

УЛУҒ ОЛИМ ҲАҚИДА КИТОБ

Хоразмлик улуғ олим тўғрисида Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг «Фан» нашриётида чиқарилган китоб «Беруний ҳаёти ва асарлари» деб аталади. Филология фанлари доктори П. Г. Булгаковнинг бу асари жаҳон олимлари тарихида энг катта олимлардан бирининг ҳозирга қадар босилган ижодий таржимаи ҳолларидан ғоят тўласидир. Олим туғилганининг 1000 йиллиги 1973 йилнинг сентябрида нишонланади.

... Абу Райҳон Берунийга бағишланган асарлар руйхатида жуда кўп номлар бор. Анчагина мамлакатлардаги кўп олимлар, фан тарихчилари олим меросига мурожаат қилиб, мутафаккир образини тиклашга, таржимаи ҳоли саҳифаларини тўлдиришга, фаннинг кўпгина соҳаларига Беруний қўшган ҳиссани баҳолашга уриниб кўрдилар. Хусусий масалаларга бағишланган ёки қисқача биографик очерклардан иборат асарлар ҳам пайдо бўлди. Бу асарларда бир-бирига зид фикрлар ҳам оз эмас. Совет олимлари Беруний ҳаёти ва ижодиётини ўрганишга кўп ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги И. М. Мўминов таҳрири остида чиққан янги тадқиқот Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида тайёрланди.

Автор Берунийнинг бир қанча асарларини нашр этиш ва таржима қилишда, шу асарларни шарҳлашда, улуғ олимнинг мероси билан боғлиқ бир қанча проблемаларни тадқиқ этишда қатнашган ҳамкасбларига ҳамда аввал чиққан шундай асарларга таяниш имкониятига эга бўлган.

Берунийнинг янги таржимаи ҳоли ўша даврнинг ижтимоий ва илмий ҳаёти манзарасида берилади. Олим ҳаёти ва ижодиётининг турли пайтлари тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилишга имкон берувчи манбалар биринчи бор фанда баён этилди ва ҳулосаланди. Берунийнинг бир қанча асарларида, шу жумладан ҳозирга қадар бирон жойда эълон этилмаган асарларидан муҳим автобиографик кўрсатмалар топишга муваффақ бўлинди.

Тадқиқотнинг айрим боблари Берунийнинг математика, астрономия, геодезия, география, геология, минералогия, фармагнозия, тилшунослик, тарих ва қомусчи-олим эътиборини жалб қилган бошқа фан соҳаларига бағишланди. Берунийнинг ўша давр учун прогрессив, илғор дунёқарашлари алоҳида таъкидланади.

Китобда турли мамлакат олимларининг Берунийга бағишлаган тадқиқотлари обзори ҳам бор.

Е. ЕФИМОВ.
(ЎзТАГ).

ФИЛОСОФИЯ ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА БЎЛИМИ

СССР Философия жамиятининг Ўзбекистон республика бўлими таъсис этилди. 4 январь куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида ташкилий конференция ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган доклади асосида республика философия жамоатчилигининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва конференцияда сўзга чиққан нотиқлар коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг актуал проблемаларини илмий ишлаб чиқишни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, марксча-ленинча дунёқарашни пропаганда қилишни активлаштириш йўллари ҳақида гапирдилар.

Республикада философия фанини ривожлантиришнинг мустаҳкам базаси вужудга келтирилганлиги — философия фани проблемалари илмий тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида ўрганилаётганлиги конференцияда таъкидлаб ўтилди. Философларнинг катта отряди ўсиб етишди. Улар составида 650 дан ортиқ олим, шу жумладан 20 фан доктори ва 250 фан кандидати бор. Илмий кадрларни тайёрлаш кенгайиб бормоқда, марксча-ленинча дунёқарашни пропаганда қилиш яхшиланмоқда.

Конференция СССР философия жамияти республика бўлимининг раҳбар органларини сайлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминов СССР философия жамияти Ўзбекистон республика бўлимининг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Материаллари ёзидан

„ТАЪМАГИР“

Юқоридаги сарлавҳа билан «Чақмоқ» маҳаллада» рубрикаси остида Киров районидаги 1-Карл Маркс маҳалла-комитетида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар танқид қилинган эди.

Яқинда район Совети Ижроия комитетининг ранси ўртоқ О. Расуловдан жавоб олдик,. Унда айтилишича мақоладаги танқидий фикрлар асосан тасдиқланган. Маҳаллада мажлис ўтказилиб, маҳалла комитетининг раиси ва ревизия комиссиясининг ҳисоботлари эшитилган. Шу мажлисда маҳалла комитети ва ревизия комиссиясининг янги составлари сайланган.

НОНЛАРИМИЗ МАЗАЛИ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

Областимиз ва пойтахтимиз нонвойлари юбилей йилини катта ютуқлар билан якунлаб, Янги йилга янги-янги режаларни кўзлашмоқда.

Кўпчиликка сир эмас, нон — энг мўътабар, энг азиз таом. Нонсиз эрталабки чой ҳам, тушки овқат ҳам қандай ўтишини бир кўз олдига келтириб кўринг-а!

Пойтахтимиздаги олтита ва саноат шаҳарларидаги бешта нон заводининг печларидан бир кечакундузда жами 600 тонна мазали нонлар етказиб берилмоқда. Колхоз ва совхозлардаги нонвойхоналар тандирдан янги узилаётган нонларни бу ҳисобга қўшсак, рақамлар яна ошиб кетади.

Ҳар бир завод, ҳар бир кичик нонвойхонада ишлаётган нонвойларнинг юбилей йилида қўлга киритган ютуқларини, уларнинг кундалик иш фаолиятларини ҳар қанча мақтаса арзийди. Ана шу камтарин касб эгалари бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлаб, аҳоли дастурхонига мазали, ҳар турли хил нон маҳсулотлари етказиб беришга ҳаракат қилишяпти.

Ўтган йилнинг охирларида Ҳамза районида территориясида ҳар куни 140 тонна нон ёпиш қувватига эга бўлган 2-нон комбинати қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги йилда бу комбинат тўла қувват билан ишлай бошлайди. Чирчиқдаги нон заводи реконструкция қилиниб, кундалик қувватни 50 тоннага етказилди. Олмаликда эса кунига 80 тонна нон пиширадиган завод қурилмоқда. Янгийўл, Ангрен, Бекобод нон заводларини реконструкция қилиш тугаллангач, улар қуввати кунига 30—35 тоннага кўтарилади.

Янгийўлдаги нон заводи коллективи янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиб, юбилей йилида катта муваффақиятни қўлга киритди. Бу корхонада 6 хил оби нон ёпиш ўзлаштирилди. Бу ерда пойтахт нонвойларидан ўрнак олиб, сутли булочкалар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Пойтахтимиз нонвойлари ҳам янги хил миллий нонлар ёпишни кўлайтиришмоқда. Юбилей йилида аҳоли дастурхонига тортиқ қилинган нонларнинг деярлик 25 процентини оби-нонлар ташкил қилади. Айниқса, нонвойларимиз харидорларни юбилей патирлари ва ҳар бири 200 граммлик ёпилган оби нонлар билан хурсанд қилишди.

Янги, беш йилликнинг учинчи йилида «Узглавхлеб» ходимлари яна бир янгиликни амалга ошириш учун тайёргарлик кўришяпти. Бу корхона цех-магазин типида бўлиб, тандирдан янги узилган нон магазинма-магазин ташилмай, ўша ерда, нон ёпиш цехига туташ бўлган магазинда харидорларга сотилади. Бундай цех-магазинларнинг дастлабкиси янги йилнинг февраль ойида Октябрь районида ишга туширилади. Йил охиригача яна шундай цех магазинларнинг олтитаси аҳоли хизматида бўлади.

Бундан ташқари, Тошкентдаги 1-нон заводи коллективининг нонни контейнер усулида дўконларга ташиш ихтироси бошқа корхоналарга ҳам кенг ёйилади. Нонни бундай усулда ташиш унинг сифатини, формасини бузилишига йўл қўймайди. Бу усулда нон ташилганда уни ортиш ва тушириш тезлашиб, унга бўладиган ҳаражатлар кескин камаяди.

Юбилей йилида нонвойларимиз парҳезли кишилар учун алоҳида нон тайёрлашни ҳам йўлга қўйишди. Лекин, уларнинг бу янгилиги харидорлар учун деярли сезилмади. Бу ерда савдо ходимлари анча совуққонлик қилишиб, нонвойларнинг янгиликлари ҳақида харидорларга айтиш нариёқда турсин, нонларни аралаштириб сотиб, ҳақли эътирозларга сабабчи бўлишди. Шундай ҳолларни йўқотиш, нонвойларимизнинг янгиликларини харидорларга етказиш учун нон магазинларида парҳез нонлар сотадиган бўлим, алоҳида магазинлар ташкил қилинса ёмон бўлмас эди.

Юбилей йилини катта ютуқлар билан якунлаган нонвойлар шу кунларда, улуғ айём кунларида аҳолига кўплаб сифатли мазали нонлар етказиб беришга ахд қилган ҳолда ишлашаяпти.

Д. ПОЛЕВОЙ,
инженер, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҚАЛБ САҲОВАТГА УНДАЙДИ

КЎПНИ кўрган — кўп биладн. Бу оддий ҳақиқат. Унинг кўрганлари, бошидан кечирганлари оз эмас. Босган йўли— уруш ва тинч йилларда кезган масофасиниг ўлчасангиз миллионлаб километрни ташкил этади. Жуда кўплар унинг меҳридан, баҳра олган, минглаб кишиларнинг ҳожатини чиқарган. Келинг, яхшиси унинг ҳаёт саҳифаларидан айримларини варақлаймиз.

ФРОНТ ЙЎЛЛАРИ БУЙЛАБ

ТОШКЕНТДАГИ 5-таксомотор паркига кирган киши алоҳида стендга қўйилган шоферлар суратини кўради. Улар Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари — ардоқли одамлар. Жанговар орден ва медаллари шоҳила бўлиб турган энг тўрдаги суратнинг тагига Тоҳир Рустамов деб ёзилган.

...У ўттиз йил олдинги воқеаларнинг ҳаммасини миридан сиригача хотирада сақлаб қололмаган, албатта.

— Қайси бирини ҳам айтиш мумкин,— дейди савол берсангиз у ўйга толиб.— Ҳа, айтганча, бир китоб бор эди. Ана шуни варақлаб кўринг-а!

Фронтчи бизга қардош Тожикистоннинг «Ирфон» нашриёти томонидан чоп этилган «Шижоат» деган китобни тавсия этди. Мазкур асар новлик ажойиб жанговар инсон — собиқ полк командири Шарифжон Аҳмаджонов жасорати ҳақида экан. Китобнинг дастлабки саҳифаларида ўша стендда кўрганимиз — Тоҳир Рустамовнинг автомат ушлаб турган ҳолдаги сурати кўзга ташланади. Унинг тагига «Шофер ва моҳир разведкачи» деб ёзилган. Яна бир фотода (у Прагада уруш тугаган кезлари олинган) бригада артиллериячиларининг дам олиш вақти тасвирланган. Олдинда ўтирган йигит бизнинг суҳбатдошимиз эканлигини пайқаб олиш қийин эмас.

684-артиллерия полкининг командири майор Аҳмаджонов ўз йигитларининг шон-шуҳратга тўла қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилар экан, тошкентлик Рустамовни алоҳида эслаган.

Рустамов уруш бошлангунга қадар машина ҳайдар эди. Унинг касби фронтда жуда иш берди. Тажрибали шоферга машинани улкан жангоҳ—Сталинградгача ҳайдаб боришни топширишган. Техникада кўзи пишиб кетган йигит кейин Волга бўйидан Берлингача ўн гилдиракли мураккаб машина — «Студебеккер»ларни бошқарган.

Полк командири қийин вазифаларни доим унга топширарди. Топшириқ эса ҳамиша кўнгилдагидек бажариларди. Аҳмаджонов уни бир неча бор разведкага ҳам юборган.

Собиқ фронтчи Сталинград остоналарида бўлган жанговар воқеалардан бирини қисқача гапириб берди:

Кеч куз пайти. Балка Антоновка деган жарлик жойда ҳандақда ётардик. Тунда полк командири чақириб қолди.

— Олдинги сафдагиларга шошилинч снарядлар етказиб бериш лозим. Сенинг олдингда разведкачи Кривнов боради.

Шерингиниг орқасидаги милтиллаб турган фонар ёруғида машинани оҳиста юргизиб кетдим. Атрофда душман овозлари эшитилиб турибди. Сал эҳтиётсизлик қилдингми, ўққа тутиласан. Тор йўлдан машинани ўрмалатиб кетяпман. Ярим йўлда қорни ёрилиб ичак-чавоғи ағдарилган отларга дуч келдик. Бу—биздан олдин ўқ-дори олиб кетган араваларга қўшилган тўрттала от. Икки арава ҳам қуйиб кетибди. Улар устидаги жангчиларимиз душман снаряди остида қолишибди.

Фашистлар ракета отиб, ҳамма ёқни кундуздек ёритиб турибди. Манзилимиз нари борса, уч километр келади. Машина учун ҳеч гапмас, аммо бундай шароитда бир метрни босиб ўтиш амри маҳол. Жангчиларимиз учун ҳаводек зарур «юкни» омон-эсон етказиб бордик. Полкдошларимиз қувонганидан ўзим ҳам завқланиб кетдим.

«Яна бир марта қатнашга улгурармиканман?» ўйладим ўзимча. Иккинчи машинани ҳам олиб бордим. Қайтишда ғиралшира тонг ёришаётганди. Фашистлар билиб қолди. Охирги дўнгликка етиб келганимиз ҳамон орқамиздан отишма эшитилди. Душман ўқлари «илон изи» бўлиб тушиб тупроқни ўйнатиб турарди. Омадимиз бор экан, ўлимга чап бера олдик...

Мазкур топшириқни аъло даражада бажарганлиги учун жангчи Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди. Шундан сўнг уни Ленин партияси сафига қабул қилишди.

Рустамов машаққатли фронт йўлларида шоферлик вазифасини садоқат билан удалагани, қурол-аслаҳаларни ташигани, муҳим маълумот ва корреспонденцияларни элтиб бериш бўйича бригаданинг махсус бўлимида ишлагани ҳақидаги ҳужжатларни варақлаймиз. У Ғарбий фронт, Дон фронти билан талайгина шаҳар ва қишлоқлардан ўтган. Ўн тўрт марта Олий Бош қўмондоннинг ташаккурига сазовор бўлган. Сталинграддан сўнг Харьков, Белгород, Полтава, Звенигород, Шпол, Смел, Богуслав, Канев, Кременчуг шаҳарлари, қардош Венгрия, Руминия, Югославия пойтахтларини озод қилишда қатнашгани учун алоҳида-алоҳида ташаккурномалари бор.

«СТУДЕБЕККЕР»ДАН «ЖИГУЛИ»ГАЧА

УРУШ тугаган бўлса ҳам Тоҳир ака учун ҳарбий хизмат давом этарди. Яхши мутахассис эмасми, унга душмандан ўлжа олинган машиналарни кўриб, давлатга топшириш вазифаси юкланган эди. 1946 йилгача Одессада шундай топшириқларни бажариш билан банд бўлди.

Тошкентга қайтиб келганда, энди қандай иш билан шуғуллансам экан, деган хаёлга борган йўқ. Севимли касби—шоферликни давом этдирди. Яна рулга ўтирди, яна янги манзиллар уни чорлади.

Эҳ-ҳе, унинг қўлидан қандай машиналар ўтмади, дейсиз. «АМО-3», «ГАЗ-А», «ЗИС-5», «Победа», «Москвич», «Волга»лар... Мана чорак асрки, шахмат белгили машинани бошқариб ҳамшаҳарларимизга хизмат қилмоқда.



◆ ЕЛЕНА Минулина Янгийўл районидаги Свердлов номли совхознинг илғор чорвадорларидан бири ҳисобланади. У ўзига бириктирилган 17 сигирни меҳр билан парвариш қилаётганлиги сабабли ўтган йили ҳар бир сигирдан 2500 литрдан сут соғиб олишга эришди. [Чапда] ўртоқ Е. Минулина. Ўнгдаги суратда шу райондаги «Ленинизм» колхозининг илғор сут соғувчиларини кўриб турибсиз. Феруза Шарипова, Ойимхон Шерапиева, Ҳуморой Темирқулова ва Дония Хамидуллина ўртоқлар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ПАРРАНДАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Калинин районидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг директори Ш. АҲМАДЖОНОВ ҳикоя қилади

Областимиз, шу жумладан районимиз меҳнаткашлари юбилей йилини меҳнатда катта муваффақиятлар билан якунламоқдалар.

Ўтган йил Калинин район меҳнаткашлари она-Ватанга 107,5 минг тонна сабзавот, 10 минг тоннадан ортиқ сут, 3,7 минг тонна гўшт, 27 миллион донага яқин тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб бердилар. Улар бу ютуққа йил бўйи фидокорона меҳнат қилганликлари, юбилейолди социалистик мусобақасини ҳартарафлама кучайтирганликлари туфайли эришдилар.

Фабрикамиз паррандабоқарлари ўтган йил план бўйича 20 миллион 100 минг дона тухум етиштириб беришлари керак эди. Амалда эса 25 миллион дона тайёрланди. 327 тонна ўрнига 560 тонна парранда гўшти етказиб бердик. Давлатга сут сотиш плани ҳам ошириб бажарилди.

Мўлжалимизга кўра юбилей йилида ҳар бир товуқдан 165 тадан тухум олиниши керак эди. Паррандабоқарлар ўз ишларини ҳартарафлама яхши бажарганликлари туфайли ҳар бир товуқдан 200 донадан кўпроқ тухум олинди.

Биз мамлакатимиздаги илғор паррандачилик фабрикаларида амалга оширилаётган илғор тажрибаларни ўз хўжалигимизда кенг қўлланмоқдамиз. Минг товуққа мўлжалдагига кўра 300 озуқа бирлиги сарфланиши кўзда тутилган. Биз 250 озуқа бирлигига туширган ҳолда товуқлардан тухум олишни кўпайтирмоқдамиз.

Хўжалигимизда сигирлардан сут соғиб олиш кейинги икки йил давомида бирмунча яхши йўлга тушиб олди. Чорвадорларимиз сигирларни зоотехника қоидалари аоссида боқаётганликлари, зооветеринария ишлари қониқарли йўлга қўйилганлиги сабабли юз бош сигирдан юз бош бузоқ олишга эришмоқдамиз, уларнинг ҳаммаси тўла сақлаб қолинмоқда.

Биз фабрикамиздаги меҳнатсевар, ўз касбини ҳамиша қадрловчи паррандабоқарлар билан фахрланамиз. Нурия Шамсиддинова, Наталья Панина, Башорат Саиджалилова ўртоқлар ўнбир ой давомида боқимларидаги ҳар бир товуқдан 204 тадан тухум олдилар. Вера Радюкина, Мария Палинок каби пешқадам товуқбоқарлар бундан ҳам катта ютуқларга эришдилар. Улар 13 мингтадан товуқ боқиб, ҳар бирлари 230 тадан тухум олдилар ва паррандаларни юз процент соғлом сақлаб қолишига муваффақ бўлдилар.

Паррандачиликни ривожлантиришда жўжаларни авайлаб парваришлаб, уларни бехато сақлаб қолиш муҳим омиллардан биридир. Шунинг учун биз ҳамма вақт жўжа боқувчилар ишини айниқса қадрлаймиз, улар учун қулай иш шароити яратиб беряпмиз. Жўжа боқувчиларимиз эса ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Раиса Фролова, Надежда Безгодова ўртоқлар ўз боқимларидаги жўжаларни 96 процентини сақлаб қолмоқдалар.

Парранда боқиш саноат усулига ўтказилиши бу соҳада йил сайин катта муваффақиятларни қўлга киритиш имконини беради. Ҳисоб-китобларга қараганда, товуқларни хоналарда ёппа боқишга қараганда катакларда боқиш озуқа сарфлашда ҳам, товуқларнинг яхши ривожланишида ҳам, уларнинг сертухум бўлишида ҳам катта афзалликларга эга экан. Катакларда парранда боқилганда рентабеллик 67 процентни, хоналарда ёппасига боқилганда эса 26 процентни ташкил этмоқда. Капитал маблағ сарфлаш эса катакларда боқилганда бир ярим йилда, хоналарда ёппасига боқилганда тўрт йилда ўзини оқламоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1972—1973 йил қиш фаслида чорвачиликни ривожлантириш соҳасида чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори фабрикамиз коллективини янада зўр ғайрат билан ишлашга илҳомлантириб юборди. Биз декабрь ойи давомида 3 миллион 100 минг дона тухум етиштириб давлатга сотдик 1973 йилнинг биринчи ярмида 1972 йилнинг шу давридагига нисбатан икки марта кўп—18 миллион дона тухум 4000 центнер парранда гўшти етиштирамиз. Бу партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги қарорига жавобимиз бўлади.

Фабрикамиз коллективи ўртасида социалистик мусобақа кенг ривожлантирилмоқда. Бизда ҳар ойнинг охирида илғорлар шарафига Қизил байроқ кўтарилади. Бу байроқни ана шу социалистик мусобақада голиб чиққанларнинг ўзлари кўтарадилар. Байроқ тагида пешқадамларнинг исми-фамилиялари ёзиб қўйилган бўлади ва уларга пул мукофотлари берилади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси паррандачиликни ривожлантириш соҳасида амалга ошираётган ишларимиздандир. Биз бундан кейин ҳам ана шундай ишлаймиз.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ФИДЕЛЬ КАСТРО НУТҚИ

ГАВАНА, 4 январь. (ТАСС). Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, революцион ҳукумат Бош министри Фидель Кастро миллий телевидение ва радио орқали нутқ сўзлаб, СССР билан Куба ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида яқинда Москвада имзоланган битимлар ҳақида ахборот берди. «Куба билан СССРни боғлаб турган муносабатлар, деди Фидель Кастро, икки мамлакат ўртасидаги революцион муносабатларнинг ҳақиқатан ҳам революцион ва интернационалистик муносабатларининг намунаси бўлиб тарихдан ўрин олади».

Ф. Кастро бу битимлар ғоят муҳим эканлигини айтиб, Совет Иттифоқи Кубага ёрдам кўрсатиш масаласида ҳақиқатан қардошларча ва бегаразлик билан иш қилганлигини уқтириб ўтди. Битимларда, деди у, Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги марралари ва формалари белгилаб берилди. Куба Республикасини ривожлантиришнинг мустаҳкам негизи таъминланди.

Фидель Кастро бу битимлар совет раҳбарларининг ташаббуси билан тузилганлигини, улар Кубанинг ўзига хос шарт-шароитини анализ қилишга асосланиб, шундай ташаббус кўрсатганликларини ва экономикани юксалтиришда Куба дуч келаётган қийинчиликларни тўла равишда тушуниб шундай ташаббус кўрсатганликларини айтиб, Куба учун келиб чиқадиган афзалликларни қайд қилиб ўтди.

Битимларда, деди Ф. Кастро, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бир қанча асосий тармоқларини ривожлантиришда Куба Республикасига Совет Иттифоқи томонидан ёрдам берилиши кўзда тутилади. Шунингдек, Куба Республикасига бериладиган совет кредитларидан фойдаланиш ва Кубага яна совет кредитлари бериш, товарларни ўзаро етказиб бериш ва шу товарлар учун ҳисоб-китоб қилиш шартлари ҳам келишиб олинди. Совет Иттифоқидан ёрдам олиш билан бирга, деди Ф. Кастро, биз ўзимиз ҳам иқтисодий соҳадаги ҳаракатларни қўпайтиришимиз лозим. Мамлакат экономикасининг фаолиятини яхшилаш тадбирлари деди у, 1970 йилнинг охиридан бошлаб кўрилмоқда. Меҳнатни ташкил этишни такомилаштиришдаги ва раҳбарликнинг самарадорлигини оширишдаги муайян ютуқларга қарамай, бизнинг ўзимизни хотиржам қилишимиз учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Бизнинг бурчимиз шуки, деди Ф. Кастро, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги учун иқтисод қилиш ва тежамли бўлиш учун, хўжалик ҳисоби учун, меҳнаткашларнинг социалистик онглилигини ошириш учун курашни давом эттираверишимиз керак.

Имзоланган битимлар, деди Ф. Кастро: халқимизни руҳлантиради, уни меҳнатда ғайрат билан ишлашга рағбатлантиради.

Империалистик давлатлар билан учинчи дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга назар ташласак, деди Ф. Кастро, имзоланган битимларнинг аҳамияти тагин ҳам яққолроқ бўлиб кўринади. Кам ривожланган мамлакатлар ўз олдиларида турган проблемаларни ҳал этишга уринган жуда қийин мақоладалар: юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакатлардан олаётган қарзлари қўпайиб кетмоқда, шу мамлакатлар уларга катта-катта процентлар билан ва қисқа муддатли кредитлар бериб мана шу кам ривожланган мамлакатларни ўзларига тагин ҳам кўпроқ қул қилиб олмоқдалар ва уларнинг молини арзонга сотиб олиб, ўзларининг молларини уларга қимматга сотмоқдалар. Куба Совет Иттифоқи билан яқиндагина тузган битимлар сингари битимлар ривожланаётган мамлакатларнинг барча проблемаларини ҳал этишнинг энг яхши йўли бўлур эди, деди Ф. Кастро.

Биз чинакам, бегараз дўстимиз СССР ёрдамида экономикани юксалтириш йўлида тагин ҳам дадил қадам ташлаб олга бораверамиз. АҚШга шу қадар яқин масофада турган Кубанинг илгари ҳеч қандай мана шундай истиқболи бўлмаган эди ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди, деди Фидель Кастро.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БУДАПЕШТ, 4 январь. (ТАСС). Халқ Венгриясининг меҳнаткашлари янги йилни меҳнатда катта муваффақиятлар билан, социалистик мусобақани кенг авж олдириш билан бошладилар.

Мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири «Икарус» заводининг дарвозасидан ҳозиргача дастлабки ўнлаб автобуслар чиқди. Бу йил бу ерда 1972 йилдагига нисбатан 400 та машина кўп — 7200 та «Икарус» ишлаб чиқарилади. Бу қулай ва тежамли машиналарнинг катта қисми СССР, Болгария, ГДР, Румния, Ироқ ва Миср га экспорт қилинади.

ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ ЖАНГЛАР

ПАРИЖ, 4 январь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари душманга қаттиқ зарба беришни давом эттирмоқдалар. Информация агентликлари озодлик кучларининг жанговар активлиги ошганлигини таъкидлаб Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ўтган кунларда қўғирчоқ қўшинларнинг позицияларига 100 мартадан ортиқ ҳужум қилганлигини билдирадилар.

Сайгонга яқин районда ва Меконг дельтасининг жанубий қисмида айниқса шиддатли жанглар бўлди. Озодлик кучлари душманнинг Бьенхоадаги энг йирик ҳарбий базасини қаттиқ ўққа тутдилар.

ПАРИЖ, 4 январь. (ТАСС). Камбоджа ватанпарварлари мамлакатнинг жанубий қисмида Пномпень қўшинларининг позицияларига ҳужумни кучайтирмоқдалар. Стратегия жиҳатидан муҳим бўлган 2- ва 3-тош йўлларни эгаллаш учун жанг давом этмоқда.

Пномпендан 35 километр ғарби-жанубдаги Трамннар шаҳри учун олиб борилган қаттиқ жанглар давомида душман мустаҳкамланган бир қанча позицияларини қолдириб, шаҳарга чекинди. Ватанпарварлар баъзи участкаларда Трамннар шаҳрига ёриб киришга муваффақ бўлдилар.

Душман Камбоджа пойтахти атрофида ватанпарварларнинг зарбалари остида бугун ғоят мустаҳкамланган яна икки позициясини ташлаб нетишга мажбур бўлди. Саҳар пайтида Пномпень аэропортига ракеталар ташланди.

ИСПАНИЯДА АВТОМОБИЛЬ ҲАЛОКАТИ

МАДРИД, 4. Испанияда янги йил байрамларининг ўтган уч кунида автомобиль ҳалокати натижасида 43 киши ҳалоқ бўлган, бир неча ўн киши оғир яралар бўлган. «ИА» газетасининг маълумотларига кўра, ўтган йили Испания йўлларида 61.660 та автомобиль фалокати қайд қилинган. Ана шу фалокатлар натижасида 4.370 киши ҳалок бўлган ва 96 мингга яқин киши жароҳатланган.

ЧИЛИ. Халқ Бирлиги ҳукумати мамлакатнинг барча прогрессив кучлари ва халқига суяниб катта ишларни амалга оширмоқда. Хўжаликнинг етакчи тармоқларида давлат йўли мустаҳкамланиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, турар-жой масаласини ҳал этишга катта эътибор берилмоқда. Суратда: Сантьяго шаҳри яқинидаги Макул районида ишчилар учун бунёд этилган турар-жой бинолари.

Р. КНЯЗЕВ фотоси. ТАСС.

ФАН ва ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ДЕВОРГА ЎРНАТИЛАДИГАН АВТОМАТ ҚОЗОН

Деворга ўрнатиладиган автомат қозон сахни 150 квадрат метр келадиган уйни иситади ва уни иссиқ сув билан таъминлайди. Қозон синовдан яхши ўтди ва Ленинград билан Тошкентдаги рўзғор газ аппаратлари заводларида уни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Бутун агрегат ўртача чемодандан катта эмас, шакли ва кўринишги холодильникка ўхшайди. Уни қухнядаги деворга ўрнатиб, водопровод, газ ва раднатор-батареялар билан маиший эҳтиёжларга иссиқ сув бериш системаси уланса, бас. Шундан кейин махсус электрон блокка қозон учун белгиланган «топшириқ» ёзилган перфокарта қўйилади. Шунга биноан қозон уйда керакли температурани автомат тарзда сақлаб туради ва ҳар минутда 10 литр иссиқ сув беради. Установканинг электрон «хотираси» сув ва ёқилғини тежашга имкон беради. Масалан, уй эгалари ишга кетганида батареяларни системадан узиб қўйиб, уларнинг қайтишига яқин хоналарни яна иситиши мумкин. Газ оригинал тарзда ёндириш системаси туфайли бундай қозон мўрисиз ишлайверади.

Янги рўзғор асбобини яратувчилар — СССР газ саноати министрлигининг конструкторлик бюроси билан Франциянинг «Сонье Дюваль» фирмаси бундай қозон марказий тартибда иситиш қозонларини қуриш тежамсиз ҳисобланилган чоғроқ қишлоқлар ва посёлкаларда айниқса қулай деб ҳисобламоқдалар. Битта установканинг нархи 100 сўмдан сал ошади. У шу йилдан бошлаб кўплаб ишлаб чиқарила бошланади.

Ю. ЮДИН,
ЎзТАГ мухбири.

„ҲАМИША ҲУШЁР“

Москвада СССР 50 йиллиги ва совет милициясининг 55 йиллигига бағишлаб юқоридаги ном билан ташкил қилинган кўргазма аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. «Ҳамиша ҳушёр» кўргазмаси СССР Рассомлар союзи ва СССР Ички ишлар министрлиги томонидан ташкил этилди.

Экспонатлар милициямиз тарихи, ҳозирги ҳаёти хусусида ҳикоя қилади. Залларда намойиш қилинаётган экспонатлар орасида тошкентлик милиция старшинаси Т. Қурбонов, Ўзбекистон халқ рассоми Р. Аҳмедов, ҳамда Б. Жалилов, Р. Чориевларнинг асарлари ҳам юксак баҳоланмоқда.

Тасвирий санъат асарлари билан ташкил этилган кўргазма Совет милициясининг кўп қиррали фаолиятини ёрқин ифодалаб берган.

Л. АПАРНИКОВ,
Москва.

Тошкентнинг қарийб ярим аҳолиси унинг машинасига тушган дейишади. Йўловчиларнинг ҳар хили учрайди. Улар турли характерда, турли кайфиятдаги одамлар. Биров ишга, дарсга шошаяпти, биров самолёт ёки поездга ошиқяпти, биров саёҳатдан, командировкадан қайтяпти. Биров эса ноҳуш хабар эшитиб, ғеҳли айнаб кетаётган бўлади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам манзилига етгунча кўпни кўрган бу камтарин заҳматкашнинг бир лаҳзалик ширин суҳбатидан, хуш табассумидан баҳра олади ва машинадан тушаркан:

— Барака топинг, йўлингиз бехатар бўлсин,— дейди.

Йўловчиларгина эмас, паркдагилар ҳам ундан миннатдор. Тоҳир ака ёш шоферлардан насиҳатини, амалий ёрдамини аямайди. Машиналарининг бирон-бир ери бузилиб қолгудек бўлса, усталарни чақирмаёқ тузатиб беради.

— Қани энди ҳамма ўртоқ Рустамовга ўхшаган бўлса,— дейди парк директори Анатолий Викторович Барзин.— Айримлар сал ишлари юришмадими, ариза ёзишга тушишади. Бу соҳа менга тўғри келмади, деб бошқа касбни мўлжаллаб кетадиган ёшлар йўқ эмас. Улар ирода кучини, одамларга муомалани, техникани ардоқлаб сақлашни шу кишидан ўргансалар арзийди.

Унинг кўксини «Аварияси ишлагани учун» биринчи даражали значоги безагани бежиз эмас. Бу нишон ва ёрлиққа у «узоқ йил фидокорона меҳнат қилгани, ҳеч қандай йўл ҳодисасисиз, интизомни ва кўча ҳаракати қоидасини бузмай, 500 мингдан ортиқ километр юргани учун» сазовор бўлди.

Собиқ фронтчиқ илғор ходим сифатида маҳаллий комитет ўтган йил кузда Чехословакия ва Германия Демократик Республикаси бўйлаб саёҳатга туристик путевка билан таъминлади. Тоҳир ака 30 йил муқаддам, йигитлик йиллари кезган шаҳарларда бўлди. Унутилмас Бухенвальдни кўрди. Ўзи билан бирга жанг қилиб, озодлик учун курашда ҳалок бўлганлар қабрига гулчамбарлар қўйди. У сафардан катта таассуротлар билан қайтди.

Кекса шофернинг ҳаётида яқинда яна бир қувончли воқеа юз берди. Коллектив унга заводдан янги чиққан қирмизи ранг «Жигули» машинасини берди.

РАҲМАТ ДАДАЖОН!

ЙЎЛОВЧИНИ манзилига етказиб қўйдингми, бас, счетчикка қараб кира ҳақини олгин-у кетавер. Сендан бошқа нарса талаб қилинмайди. Тоҳир ака ўз вазифасини фақат шундан иборат деб билмайди. Унинг одамийлик бурчи бошқа таксичиларникига ўхшамайди...

— Тошкентга кечқурун келиб тушгандик,— дейди бухоролик Юнус Одилов. Бўстонликда Тошканбой Шоюсупов деган танишимиз бор эди. Ўшани топишимиз, сўнг унинг ёрдамида ётоқхонага жойлашиб, институтга кириш учун тайёргарлик кўришимиз керак. Мен ҳам, ўртоғим Содиқ Саидов ҳам пойтахтга биринчи келишимиз эди. Кечаси адашиб қолдик. «Чирчиқ» автостанцияси олдида бир такси келиб тўхтади. Ўзимизни ўшанга урдик. Меҳмонхоналарда жой бўлмаса, бемаҳалда энди қаерга ҳам бордик деб, ташвишда қолганлигимизни таксичига — Тоҳир акага айтдик.

— Қани, кетдик, йигитлар, бир амаллаймиз,— дедилар у киши.

Бизни уйларига бошлаб олиб бордилар.

— Агар ийманмасанглар, шу ерда туришларингиз мумкин, ўғил-қизларим қатори яшайверасизлар,— бафуржа суҳбатдан сўнг таклиф қилди Тоҳир ака.

Биз шинам ва иссиқ уйга жойлашдик. Фердаус хола янги нўрпа-ёстиқларини бердилар. Содиқ ТошМИга, мен политехника институтига ўқишга кирдик.

Қишдан чиқдик, келаси ўқиш йили ҳам бошланди. Биз қийим-бошларимиз дазмолланган, иссиқ овқатимиз тахт — ўз ота-оналаримиз бағрида яшагандек яшадик.

Уйга хат ёзиб, биздан хотиржам бўлишларини меҳрибон кишилар ғамхўрлигида эканлигимизни маълум қилардик. Шундай бўлса ҳам дадам ўзим бир кўрай, деб келдилар.

Бир неча кун меҳмон бўлган Фозилжон ака кетар чоғида.

— Бир вақтлар куним битса, Юнусжонга ўзингиз оталиқ қиласиз, деган эди хонадон соҳибига.

Бу воқеага бир неча йил бўлди. Юнус институтнинг механика факультетини тамомлаб, Шофрикон районига «Сельхозтехника» бирлашмасига ишга кетди. Уйланди, болалик бўлди. Содиқ бўлса, Вобкент район касалхонасига хирург бўлиб борди.

Биз Юнус Одиловни яқинда учратиб қолдик.

— Мен учун азиз инсонни —иккинчи отамни янги йил билан бир табриклай деб келган эдим,— деди у.

Янги йил арафаси Тоҳир аканинг яна бошқа бир фарзанди — Ҳосият Кўчкинова билан суҳбатлашишга тўғри келди. Унинг бу оилага қиз бўлиб қолиш тарихи ҳам юқоридагича ўхшайди.

Ҳосият асли жарқўрғонлик 1970 йил августи эди. Қўлидаги адрес қоғозини йўқотиб студентлар шаҳарчаси қаердалигини билмай, аэропорт яқинида ноилож турарди.

— Тўрт қизинг ёнига бешинчисини олиб келдим, хотин,— деди Тоҳир ака Ҳосиятни уйига бошлаб кираркан.

Бу қиз ҳам мана шу оилада бошпанагина эмас. самимий меҳрибонлик, иззат-икром топди. Эр-хотин ўз қизлари ўқишга киришида қандай қайғурган бўлсалар, Ҳосият имтиҳон топширадиган кезлари шундай ташвишга тушишди. Ҳозир у политехника институтининг кечки бўлимида ўқимоқда, кундузи ишлайди. «Ўзбексельмаш» заводининг илғор браковкачиларидан, Актив жамоатчи, деворий газетанинг редактори. Ишга катнаши узоқ бўлганлигидан яқинда ноилож завод ётоқхонасига кўчиб борди. Лекин ҳар шанба, якшанба кунлари бу хонадонга келишни тарк этмайди.

Тоҳир аканинг саҳовати билан ҳаётда ўз йўлини топиб олган одамлар шуларгина эмас. Рус боласи Коля Ширяевни Уйғур кўча, Айланма тупик, 7-уйда ўсиб вояга етганлиги, бир ҳунарнинг бошини тутиб кетганлигини маҳалладагилар яхши эслашади. Коляни Тоҳир ака урушдан қайтган кезлари болалар уйидан фарзандликка олган эди. Тоҳир ака ёнида юрган бу ўспирин кам бўлмади. Шоферлик касбининг миридан-сиригача ўрганиб олди. Ҳозир Ширяев мустақил оила тебратиб, бола-чақалари билан алоҳида яшайди. Неваралик ҳам бўлибди. Унинг ҳаётдаги, ишдаги ютуқлари Тоҳир акани ҳам хурсанд қилади.

— Одам бўлишимга биринчи шу киши сабабчи,— дейди пискентлик Абдуазиз Маҳмудов. Дадам вафот этган. Тошкентдаги алоқа билим юртига ўқийман деб келиб, ёмон болалар даврасига тушиб қолган эдим. Бир кун Тоҳир ака кўчада мени кўриб қолдилар. Қийиб уйга олиб келдилар. Кийим-бош, иссиқ овқатдан хотиржам бўлганимдан сўнг ўқишни ҳам битириб олдим. Ҳозир олти боланинг отасиман. Ширин ҳаётим учун Тоҳир акадан ўзимни абадий қарздор, деб ҳисоблайман. У киши менга яқин қариндош-уруғларимдан кўра яхшироқ ҳиммат кўрсатдилар.

Одамни ҳаяжонлантирадиган бундай воқеалар саҳоватли инсон қалбига ҳавас уйғотади кишида.

Бугунги кунда оддий касб эгаси Тоҳир Рустамовни тўрт қиз, икки ўғли ёнида юқоридаги ёшлар ҳам чин кўнгилдан қутлаб, 60 йиллик муборак тўйи билан табриклашмоқда. Уларнинг ҳаммаси «Раҳмат, дадажон!» деб баралла айтишмоқда.

С. МУСАЕВ.

Спорт

ҲАММА ГТО НИШОНДОРИ БЎЛАДИ

Янгийўлдаги мебель фабрикасида спортни қаттадан кичик — барча севади. Бу ерда унинг ривожланиши учун кўп иш қилинмоқда. Фабрикашинг тўртала цехида ўз спорт командалари бор. Спорт ҳаёти цехларда ёзда ҳам, қишда ҳам қизғин давом этади.

Шу кунларда фабрика спортчилари шаҳардаги мактаб залларида қишки мусобақаларни ўтказмоқдалар. Ўз маҳоратларини тинмай ошириб, бир неча спорт турлари бўйича ўзаро куч синашмоқдалар.

Коллективнинг ўтган йилги ютуқлари қувончли бўлди. Футбол бўйича учрашувлар қизғин кураш билан ўтди ва 2-цех футболчиларининг ғалабаси билан тугади. Бу цех вакиллари фабриканинг кўчма кубоги ва биринчи даражали дипломга сазовор бўлдилар. Бу муваффақиятда цех ишчиси жамоатчи тренер Р. Ҳасановнинг хизмати катта. Иккинчи ўринни 4-цех спортчилари эгалладилар. Жамоатчи тренер Г. Сатторов шогирдлари иккинчи даражали диплом билан тақдирланишди.

Яқинда волейбол бўйича шаҳар биринчилиги ўтказилди. Бунда 12 та команда мусобақалашди. Мебель фабрикаси спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этиб, иккинчи ўринга кўтарилдилар. Фабрика командаси 12 ишчини бирлаштирган, улар жамоатчи тренер В. Бауров билан мунтазам машғулотлар олиб боришади. Тренернинг ўзи ишда ҳам, волейбол майдонида ҳам ҳаммага намуна.

Янгийўл шахматчилари биринчилигида ҳам мазкур корхона командаси ютиб чиқди (жамоатчи тренер Ким Славик).

Ҳозир мебелчилар «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» янги комплексига норма топшириш учун катта эътибор бермоқдалар. Фабрикада янги спорт комплекси нормаларини топшириш ҳамма жалб қилинган. Шу кунгача 500, 1000 ва 100 метрга кросс, граната улоқтириш, узунликка ва баландликка сакраш, гимнастика ва туристик поход бўйича ГТО нормалари топширилди. Физкультура коллективи аъзолари ГТО нишондорлари бўлиш учун шаҳар стадионига, мактабларнинг спорт майдончаларига келадилар. Ҳозирга қадар спортнинг юқоридаги турлари бўйича 800 дан ортиқ киши ГТО талабларини бажарди.

Фабрикада физкультура ҳаракатини ривожлантиришга актив кўмаклашаётганлиги учун 2-цех бошлиғи А. Сафянов биринчи даражали диплом билан мукофотланди. Мазкур цех коллективи фабрикалараро ички спорт мусобақаларида ҳамон пешқадам.

Мебель фабрикасида мингга яқин киши ишлайди. Бу коллективда ҳар икки ишчидан бири спортчидир. Фабрика физкультурачилари сафи янада ортмоқда. Буни коллективнинг бу йилга қабул қилган янги социалистик мажбуриятларидан ҳам кўриш мумкин.

А. МУРИЕВ.

МУСОБАҚАЛАР. УЧРАШУВЛАР

✦ Льовванк 20 ёшли шахматчи Олег Романишин Европанинг энг кучли ўсмир шахматчилари турнирида ғолиб чиқди. Бу мусобақани Европа қитъасининг норасмий чемпионати дейиш мумкин.

✦ Москва терма командаси хоккейчилари АҚШда навбатдаги ғалабани қўлга киритдилар. Улар Сан-Диего шаҳрининг профессионал хоккейчилар лигасида учинчи ўринни эгаллаб турган командасини 8:2 ҳисобида мағлуб этдилар.

„ИНҚИЛОБ ТОНГИ“

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театр И. К. Яшиннинг «Бухоро» пьесаси асосида ёзилган «Инқилоб тонги» спектаклининг премьераси билан янги, 1973 йилни бошлади. Ёзувчи яна революцион воқеаларга мурожаат қилди. У Туркистонда контрреволюциянинг сўнгги таянчи бўлган Бухоро амирлигининг емирилиши ҳақида ҳикоя қилади. Революция жангчилари тўғрисида, оташин ўзбек революционери Ф. Хўжаев ҳақидаги бу янги драматик асар СССРнинг 50 йиллигига бағишланган.

Ўзбекистон ССР Халқ артисти А. Гинзбург билан СССР Халқ артисти О. Хўжаев саҳнага қўйган бу спектаклда СССР Халқ артистлари С. Эшонтўраева, Н. Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари С. Табибуллаев, З. Муҳаммаджонов, Ш. Қаюмов ва бошқа саҳна усталари қатнашадилар. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Е. Аҳмедов Ф. Хўжаев образини гавдалантиради.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси кибернетика институти ҳисоблаш маркази билан ҳамкорликда республика халқ хўжалигига бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини татбиқ этиш бўйича катта илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Институтда иттифоқимизда тайёрланган ҳисоблаш машиналари ишлаб турипти. Суратда: электрон-ҳисоблаш машиналарини эксплуатация қилиш лабораториясида.

Р. ЖУМАНИЕВОВ фотоси.

ЯНГИ шеърлар

НАВОИЙГА

Одамзот ҳаёлдан яралган эмас.
Ҳаёл табиатнинг унга эҳсони.
Яралиш ва яшаш бахтига эваз—
Ҳаёлга тўлдирди одам дунёни.
Келиб-кетганмидинг тупроққа, шоир,
Тупроқ фарзандлари-одамлар мисол?!
Сендан ривоятлар, балки, ҳатодир,
Ҳаёлга ўхшайсан.
Азамат ҳаёл!
Доим енгил дерлар одам бошини.
Вазминдир! Ҳаёлдан!
Бонси аён:
Кимки айлантирмиш тарих тошини —
Унга бу бошларда берилди макон.
Вазмин бўлиб қолди бу кун бошгинам,
У — тарих бағридан юзиб ўтган Ер.
Алишер, бошимда яшайсан сен ҳам,
Бошимда кўтардим сени, Алишер!
На хушдир, даҳшатли лаҳатга эваз—
Ҳаёлга кўмилса азиз одамзот.
Одамзод ҳаёлдан яралган эмас.
Аммо ундан топар ўлимга нажот!

ОМОН МУХТОРОВ.

ТИЛАК

ҚИЗИМ ҚУМРИГА

Довдираб кетасан босолмай қадам,
Илк қадам босишдир яшаш ҳам мушкул.
Салга кетиш мумкин тойилиб одам,
Сафдан чиқиш мумкин, ёмон ном тугул.
Ҳозир ҳаёт билан йўқ сенинг ишинг,
Яшаш тушунчаси, ташвишинг ҳам йўқ.
Кун сайин гурурчдай тўлишиб тишинг,
Гўдаклик тойчоғин елдирасан шўх.
Менинг етагимда босарсан қадам,
Юришнинг завқин ҳам сурарсан бир кун.
Яшаш тушунчасин тушуниб сен ҳам
Ҳаёт-ла юзма-юз турарсан бир кун.
Ҳа, ортда қолдириб йилларни бир-бир,
Ҳали, кўп довонлар ошарсан, Қумрим.
Сенлар келажакка иқболу тақдир,
Балки келажакни безайди умрінг.
Менинг тилагим шу: у пайтда асло
Илк қадам босгандай довдираб турма.
Салгина тойилсанг кечирмас дунё,
Ҳамиша суёвчи отам, деб юрма.
Шахмат тахтасидай сержумбоқ олам,
Албат лозим бўлар курашиш, тоқат...
Аспдай дадил сакраб ҳамла қилсанг ҳам,
Руҳдай тўғри йўлни кўзлагил фақат.
Қани кел, дўстгинам, қалбимни очай,
Қалбимни очайин истасанг агар.
Кўнгил хазинасини бошингдан сочай,
Бошингдан сочайин сўз дурин, жигар.
Ахир, ҳоҳишингдир куй тўла жаннат,
Куй тўла жаннатдир ёлғиз она тил.
Уни куйлатиш ҳам юксак бир санъат,
Юксак биря санъатдир—сўзга кўчса дил.
Қалбимда она тил бамисли дарё,
Бамисли дарёдай шарқираб оқар.
Ҳар бир сўз оҳанги мислсиз дунё,
Мислсиз дунёдай бағримни ёқар.
Мен унга ёшликдан берганман кўнгил,
Берганман кўнгилни мангу-мангуга.
Сўзларга севгимни жо этсам буткул,
Жо этсам буткуллай юракни унга!
Ахир юраккинам шу сўзга чанқоқ,
Шу сўзга чанқоқдир қўшиқнинг ўзи.
Сўзлардан ёқилур дилларга чироқ,
Дилларга чироқдир Навоий сўзи.
Она тил куйидан олам мунаввар,
Мунаввардир олам бор эканки у.
Уни куйлатолсам дарёдай агар,
Дарёлардай мен ҳам уйғоқман мангу.
Она тил, сўз дурини дилларга сочай,
Дилларга сочайин, сени дилпорам...
Қани кел, дўстгинам, қалбимни очай,
Қалбимни очайин сенга илк бора.

Эргаш МУҲАМЕДОВ.

Ҳар тўғрида

ОСМОНЎПАР БИНО — НЕФТЬ ҚУДУҒИ

Америка нефть компанияларидан бири Лос-Анжелос шаҳри марказида нефть ва газ кони борлигини аниқлади. Одатдагидек вишкани ўрнатиш мумкин эмас эди. Бироқ компания фойдали ишдан воз кечмади. Қўчанинг чиройини бузмаслик учун пармалаш вишкасини замонавий уйга ўхшатиб қуришди. Шундай қилиб, Лос-Анжелос яна бир осмонўпар уйга эга бўлди.

●

ЕЛИМЛАНГАН КЎПРИК

Ярим миллиметр қалинликдаги елим маъдан бириктиргич юзлаб миз ўрнини боса оладими? Боса олар экан! Елимланган темир-бетон тўсинлар қуйма темир-бетонга қараганда пишиқроқ бўлар экан. СССРда ана шундай елим ишлатиб саккизта кўприк қурилди. Булар орасида Днепр дарёсидаги икки километрлик кўприк ҳамда Ярославль шаҳри яқинида Волгага қурилган кўприклар бор.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.15 — **Кўрсатувлар программаси**, 9.20 — **Янгиликлар.**

Ўзбек тилида: 9.30 — **«Тўрт таничи ва ит»** (кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 6-серияси). 10.20 — **«Экран хандаси»** (музикали дам олиш программаси).

11.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.15 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 17.20. — Болалар учун **мультфильм**, 17.30 — Кичкинатойлар учун. **«Санъат ғунчалари»** (ўзбек тилида), 18.05 — **«Ўрмон болалари»** (телевизион спектакль).

Ўзбек тилида: 19.15 — **«Оламда нима ғап?»**, 19.45 — **«Ахборот»** информацион программаси (рус тилида), 20.00 — **Ҳужжатли кино экрани**, 20.30 — **«Ахборот»** информацион программаси, 21.00 — **«Мусиқа жавони»**, 22.30 — **«Ноэнеъмат бунёдкори»** программаси, 23.00 — **«Қўл бўйида»** (бадиий фильм, 2-серия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 10.00 — **Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 1-курс**, 25—26 лекция. 11.00 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. **Инглиз тили, 1-курс. 13-машғулот**, 11.30 — **Ота-оналар учун консультация.**

Рус тилида: 12.00 — **Телевизион фильм**, 12.30 — **Ота-оналар учун консультация**, 13.00 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. **Чизма геометрия.** 25—26 лекция (ўзбек тилида).

17.15 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.35 дан — **Душанба кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/I да **Оққуш кўли** (кундузги). **Чио-чио-сан** (кечқурун), 7/I да **Золушка** (кундузги), **Трубадур** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/I да **Тарих тилга кирди** (кундузги). **Парвоз** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/I да **Тоғ гўзали** (кундузги), **Қайнона** (кечқурун), 7/I да **Тоғ гўзали** (кундузги), **Жумагул** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/I да **Ойдин** (кундузги), **Биринчи бўса** (кечқурун), 7/I да **Садоқат** (кундузги), **Номзодлар** (кечқурун).

КИНО

Адашганлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Шамол билан юзма-юз — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Кутамиз сени, йигит! — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, ва 4 да), ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Танҳо ўзинг — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда). САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун).

Аёллар ва версальерлар (жуфт соатларда). **Пеппи Тана-Тўка мамлакатида** (тоқ соатларда): — «ДРУЖБА».

ЧИРЧИҚ АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ

ТОҒ-ЧАНҒИ СПОРТИ ИШҚИБОЗЛАРИГА

қулайлик туғдириш мақсадида

1973 ИЙЛ ЯНВАРИДАН БОШЛАБ

ҲАР ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ

Тошкент шаҳридан Чимёнгача автобуслар ҳаракатини очади.

АВТОБУСЛАРНИНГ ЖУНАШ ВАҚТИ:

Студентлар шаҳарчасидан — эрталаб соат 7.30 ва 8.30 минутда;

Чилонзор массивидан (Фарҳод бозоридан) — эрталаб соат 7.30 ва 8.30 минутда;

«Революция скверидан» — эрталаб соат 8 да.

«Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси ва унинг бўлимлари коллективлари Бошқарма бошлиғи Н. Ш. Шамсиевга онаси

Буҳоҳал

ҲОДИХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

✦ **ТОШКЕНТ** Марказий телеграф станциясида қайноқ меҳнат кеча-ю кундуз давом этади. Айни кунларда телеграф ҳодимлари мамлакатимизнинг турли шаҳарларига 60 мингга яқин телеграммалар йўллашмоқда. Суратда: Марказий телеграфнинг илғор ҳодими Г. Авдуновани кўриб турибсиз. У смена топширигини 130 процентдан ошириб адо этмоқда.

А. АВАЗОВ ва А. УСМОНОВ фотоси (ЎзТАГ).

✦ **ТОШКЕНТДАГИ** «Гулистон» ресторанининг қандолат цехида 32 хил қандолат маҳсулотлари ва 4 хил торт ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: цех мудири А. Мухамедов ва қандалотчи Н. Наженко янги йил арафасида ишлаб чиқарила бошлаган маҳсулотларни кўздан кечиришяпти.

А. ТЎРАЕВ фотоси.



✦ **БОДХОН** — Зарафшон тоғидаги 5000 метрлик чўққи ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистон альпинистларининг терма командаси уни штурм қилишга тайёргарлик кўришяпти. 1971 йилда бу чўққини забт этган ленинградлик альпинистларга Иттифоқ чемпиони олтин медаллари топширилган эди.

В. ТАРАН фотоси.

ЖАЗО

ФЕЛЬЕТОН-ПЬЕСА

Иштирок этувчилар

Оқил Ҳайдаров — фан доктори, профессор.

Ҳамида Ҳайдарова — унинг хотини.

Асқар Ҳайдаров — Оқил аканинг укаси, прокурор.

Ҳалима — Ҳамида опанинг синглиси, Асқарнинг хотини.

Суннат — Қўшнининг ўғли.

Қодир — Ҳайдаровнинг ўғли

Биринчи кўринш

Ғиштин зинапоя билан чиқадиган панжарали пешайвон. Айвондан ичкари уйларга кирилади. Оқил Ҳайдаров китобларга кўмилиб, бутун вужуди билан мутоалага берилиб ўтирибди. (Кўчага машина келиб тухтагани эшитилади).

Ҳамида — (овози эшитилади). Машинани ювиб, артиб, институтга барвақтроқ бор, Қодиржон кутиб қолмасин (эрининг олдига келиб), Холам келмадими, кейинги вақтда оёғи кўчадан келмай қолди. Ўндан бегона яхши. Қош-қовоғи ҳам қурсин... Қорнингиз очгандир Нима овқат қилиб берай? (Оқил ака индамайди). Ҳой, бошингизни китобдан мундай кўтарсангизчи, ҳа деб ўқийверган билан ёғи чиқадими? (Араз қилиб) Одамга ўхшаб бир пас ярим пас мундоқ гаплашиб ўтирай ҳам демайсиз.

Оқил ака (бош кўтармай) — Нима дейсиз?

Ҳамида — Укангиз Ҳалимахон салом айтиб юборди. Бозорга майда-чуйдага тушган эканлар. Машинамга солиб уйларига олиб бориб кўйдим.

Оқилака — яхши қилибсиз.

Ҳамида — Акам уйда бўлсалар, бораман, зарур ишим бор деди, укангиз. (Четга қараб) Хойнаҳой Қодиржонни чаққани келади. Айтинг, нима овқат қилиб берай?

Оқил ака — Ўзингиз биласиз, мен институтга бориб келаман. (Ҳовлида ширакайф Қодир кўринади. Ҳамида опа югуриб олдига боради).

Ҳамида — Секин дарсхонанга ўтақол.

Қодир — Пахан уйдами?

Ҳамида — (бармоғини оғзига босиб) Жим!

Қодир — Вой-бўй. Нима, пахан жонимни оладими? Кираверамаи.

Ҳамида — Тўхта, дадангни уйига киргизиб юборай (югуриб эрининг олдига келиб) Ҳой, турин борадиган бўлсангиз, отланинг, меним қиладиган ишларим бор.

Оқил ака — (ўрнидан туриб) Хўп, сира қўймадингиз-да (чиқади).

Ҳамида — Ҳой Қодиржон нега хафа кўринасан?

Қодир — Мени институтдан ҳайдашмоқчи.

Ҳамида — Вой ўлмасам, нега энди?

Қодир — Ух! Ўқиш ҳам жонимга тегди.

Ҳамида — Нимага- ёки яна бирор иш қилдингми?

Қодир — Йўқ, тунов куни бир қиз билан ҳангомалашиб келаётган эдим. Асом деган бир студент олифтагарчилик қилди. Қўй дўстим, десам ҳам ҳинглаб тегажоғлик қилди. Кейин денг (ҳаракат билан кўрсатиб) мана шунақасига қулочкашлаб тушиндим, ариққа чалқанчасига йиқилди. Туриб келаётган эди, шу денг жағига мўлжаллаб бир тепувдим, учиб кетди...

Ҳамида — Хабарим бор. Айтиб берган эдинг-ку, шунга сени институтдан ҳайдашмоқчими, ҳайдашиб бўпти.

Қодир — Ўшанда милиция акт дақ онланинг ўғли... Минг афсус!

Ҳамида — Отажон, сал секинроқ гапиринг. (Четга бошлайди). Уйда беморим бор, ҳозиргина ухлади. Тинчликми ўзи?

Олим ота — Сиз Қодирнинг онаси бўласизми?

Ҳамида — Ҳа, Қодиржоннинг онасиман.

Олим ота — Минг афсус, эрингиз шундай катта олим бўлатуриб ўғлини қип-қизил муттаҳам, безори қилиб тарбиялабди, эй аттанг...

Ҳамида — Вой, ундоғ деманг, отажон. Ўғлим сизга нима қилди?

Олим ота — Ҳозир касалхонадан келяпман. Ўғлингиз маст бўлиб набирам Осимни уриб жароҳатлаган экан, ҳали танг.

Ҳамида (пайпаслаб) — Наҳотки, ичалик эмасдир...

Олим ота — Ўз фарзандини безори қилиб тарбиялаган олимдан беозор оми яхши (тез кетади).

Ҳамида (довдираб) — Вой вой, тузган эди. Шуни прокурорга беришганмиш.

Ҳамида — Берса бераверсин. Мен амакинг Асқаржонга тайинлаб кўйганман. Хафа бўлма, бемалол юравер. Тур ўрнингдан, кўчаларни бир айланиб, ёзилиб кел.

Қодир — Ҳеч қаёққа бормайман.

Ҳамида — Нега?

Қодир — Бекорга мушук ҳам офтобга чиқмайди.

Ҳамида — Оббо болам тушмагурей, шуни айта қолмайсанми, ма! (Қодир пулни олиб чиқади. Бироздан сўнг Олим ота киради)

Олим ота — (ғазабнок) Бу профессор Оқил Ҳайдаровнинг уйими?

Ҳамида—Ҳа. нимайди, отахон?

Олим ота — Бу ёққа чақиринг, у кишида икки оғиз гапим бор.

Ҳамида — Отахон, у киши уйда йўқлар.

Олим ота — Қачон келади?

Ҳамида — Бугун келмасалар керак. оналарникига кетувдилар. Гапингиз бўлса менга айтиб кетаколинг.

Олим ота — (бош чайқаб) Шунтўхтанг, (ота ортидан қичқириб) Ҳув, соқолинг қуксингга тўкилгур, имонсиз! Олдин набирангни тайёб ол, гўрсухта...

Оқил ака—(киради)—нима ган?

Ҳамида — Ҳа, ҳалиги Сабура ҳола бор-ку, ўшани эри ўласи қилиб урибди. Бечора чиқиб хасрат қилди.

Оқил ака — Ҳа, бўпти, мен кетдим (кетади).

Ҳамида—нима қилсам экан (Ўйлайди). Тўхта, ҳамма нарсанинг отаси пул. Унинг калити қўлимда, Қанча кетса кетсин. Эримга билдирмай эмдан тўғрилайман. Чолнинг ҳам оғзини мойласам жиз бўлади. (Шошиб уйга кириб кетаётганда Асқар киради) Келинг, Асқаржон.

Асқар — Акам уйдами?

Ҳамида — Ҳозир кетдилар. Қани уйга киринг, овқат тайёр.

Асқар — Раҳмат. Келадиларми?

Ҳамида — Келмасам ҳавотир олманг, мажлисдан чиқиб ўшанқаси ойимни қўргани боракан дедилар. Гапингиз бўлса менга айтиб кетаколинг.

Асқар — Сизга акамни огоҳлантириб қўйинг, деб кўп марта айтганман. Менимча Қодирнинг оёқ олишидан ҳали акамнинг хабари йўққа ўхшайди. Бўлмаса шу даражага бориб етмасди.

Ҳамида — Ешда, амакиси. Шунақа шўх бола тез қуюлади. Сиз ҳам ёшлигингизда жуда шўх бўлгансиз, Асқаржон, мана энди...

Асқар — Буни шўхликка йўйиб бўлмайди. Акамга иснод келтиряпти, келинойи, ахир!

Ҳамида — Нега бунақа дейсиз, иснод келтириб нима қилибди? Одамларнинг гапига ишонманг. Аниқладим, урушган боланинг ўзидан ўтибди. Боя отаси ўдағайлаб келувди, бирпул қилиб юборди.

Асқар — Чакки қилгансиз, мен ҳам сизларга ишониб, тушуниб олярсизлар деб юрган эдим. Майли акам билан ўзим гаплашаман (тез кетади).

Ҳамида — (орқасидан) Димогингни ел олсин. Худди еб юборгудай бўлиб келибди. Куёвмиш тагин! Андишасиз! Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбор. Шу иш қўлингдан келмаса нима қилиб прокурор бўлиб юрибсан. Ўл, сўтак. Сенинг қўлингдан келмаса ўзимнинг қўлимдан келади. Сен ҳали Ҳамидахоннинг ким эканини билмас экансан.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Биринчи кўринишдаги ҳовли. (Айвонда опа-сингил Ҳамида, Ҳалима куйиб-пишиб гаплашяпти).

Ҳамида — Жон сингилим, наҳотки эринга бир оғиз сўзингни ўтказолмасанг. Ахир Қодиржон қамалиб кетаверса, биз қараб турамизми. Поччангнинг, эрингнинг обрўсини ўйлайсизларми, ўзи. Мени пул чангаллаб учрамаган жойим, гаплашмаган идорам қолмади. Ким билан гаплашмай поччанг билан эрингни деш қилишади. Эринг билан гаплаш, жон сингилим. Қодиржонни қутқариш қўлидан келади. Ялин-ёлвор, иш қилиб сўзингни ўтказ.

Ҳалима — Опажон, минг марта гаплашдим. Ялиндим-ёлвордим. Охири қўйди-чиқдигача бориб қолдик. У киши тўғри гап, сира қийғир иш қилмайдилар.

Ҳамида — Нега, йўқ деяптими?

Ҳалима — Йўқ дейишга демайди-ку, яланг кўрамиз дейди. Кечаси гапини эшитиб ҳайрон қолдим.

Ҳамида — (Ҳаприқиб) Нима деди?

Ҳалима — Суд ҳал қилармиш... (Асқар, Оқил ака киради).

Ҳамида — (Асқар билан қуюқ сўрашади) Асқаржон, сингилим тушмагур сал тезроқда, энди уни нега эринги хафа қилиб келдинг, деб қойиб турувдим. Хафа бўлмаки, ёшда, ёш...

Асқар — Сингилингиз ўз гапини айтганда сира хафа бўлмас эдим, сизнинг менга айтган ноўрин, нотўғри гапларингизни такрорлагани учун хафа бўлдим. Жиноятчини ҳимоя қилишга ундагани учун ҳафа бўлдим. Биламан, Қодиржоннинг қилиқлари ҳаммамизга иснод келтиради. Айниқса сиз билан акамга оғир. Шундай ўғил бўлмаслиги учун сизни неча марта огоҳлантирдим. Мана энди. ўғлингиз бировнинг танасига жароҳат етказди. Бу жиноят. Қонунга хилоф ҳаракат.

Ҳамида — Оғзингизга қараб гапиринг. Қонунни биламан деб ҳар нарсани гапираверманг. Сизнинг жиянингизга берган ёрдамингиз шуми? Раҳмат Асқаржон. раҳмат. Бу яхшиликларингизни сира унутмайман.

Оқил ака (қичқириб) — Бас! Бас, бас. Овозингизни ўчиринг, галирманг. Мен сизга айтган эдим. Афсус, минг афсус хато қилибман. Лаъватлар бўлсин менга, шунча ўқиб олим бўлибман у, бола тарбияси тўғрисида ўйламабман. Асқар, ука бориб айт, Қодиржонни суд қилишдан олдин мени, фарзанд кўриб тарбия қилолмаган, китоб қўлтиқлаб олимман деб юраверган отани суд қилишсин. Ҳа, шундай қилишсин. Ҳар ким қилмишига яраша жазоланиши керак. Менга ўхшаган бепарволарнинг жазоси шу!

Ҳамида — нималар деяпсиз?! Обрўйингиз бир пул бўлади-ю.

Оқил ака — Бас, гапирма мана сен кутган, сен тайёрлаган обрўга эга бўлдик. Бас-бас (йиқилади Ҳалима қичқиради. Асқар уни бориб суяди. Ҳамида. Асқарга терс қарайди).

Парда.

Малик ИБРОҲИМОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

№ В—1646. Р. 01114. ИНДЕКС 64697.